



# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 17 май, № 101 (7331)

Жума

Сайтимиғиз Утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## БАРЧА ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНИГА ЗАМИН ЯРАТИШ МАҚСАДИ МУЖАССАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 16 май куни Андижон вилоятига келди.



Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 19-20 май кунлари вилоятга ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Шу давр мобайнида улар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятда шахар ва қишлоқлар обод бўлиб, аҳоли фаровонлиги юксалди. Айниқса, санаят, қурилиш, фармацевтика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилди. Барча макроекономик қўрсаткичлар бўйича ўсиш кузатилади.

2018 йилда Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 1,8 триллион сўмга тенг 411 лойиҳа амалга оширилди, 12 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан 20,7 миллион АҚШ доллари миқдорига импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга йирик корхоналар фойдаланишга топширилди. 211,2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида вилоятда танлаб олинган 50 маҳаллада кенг қўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Инвестиция дастурига мувофиқ, 40 та мактабга таълим муассасасида 97 миллиард сўмлик, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 30 та муассасада 47,5 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 178 та мактабга таълим муассасасида жорий, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. 168 та хусусий мактабга таълим муассасаси ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи Хонобод шаҳридаги “Хоп Тех Сити” масъулияти чекланган жамияти билан танишувдан бошланди.

Хонобод шаҳри узоқ йиллар ёпиқ ҳудуд бўлиб, санаят ривожланмаган, қўлаб объектлар бўш ётган эди. Президентимиз 2017 йил 2 июнда бу ерга ташриф буюриб, ижтимоий-иқтисодий шароит билан яқиндан танишган, вазиятни тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбир-

лар белгилаб берган эди. Шу асосда 2017 — 2019 йилларда Хонобод шаҳрини комплекс ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Унга 3 минг 200 дан зиёд лойиҳалар киритилиб, 500 миллиард сўм маблаг йўналтирилди. Бунинг натижасида қўлаб корхоналар ташкил этилди ва одамлар иш билан таъминланди.

Анҳор маҳалласи ҳудудидаги собиқ 4-автокорхона ҳам узоқ йиллар бекор турган эди. Унинг бинолари ва ер майдони тадбиркорларга “ноль” қийматда берилиб, ташкилий, молиявий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш чоралари қўрилди. Бугун бу ерда 13 та корхона фаолият юритмоқда. Уларда жами 685 киши ишлайди.

“Хоп Тех Сити” масъулияти чекланган жамияти шулардан бири. Ўтган йили ишга туширилган корхонада 300 дан ортиқ моделларда 50 турдаги тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришмоқда. Йилига 500 минг долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган. Энг муҳими, 300 га яқин хотин-қизлар иш билан таъминланган.

— Ушбу корхона ишсиз юрган хотин-қизлар учун аниқ муддао бўлди, — дейди Мухлиса Шарофиддинова. — Ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча қулайлик яратилган. Икки маҳал иссиқ овқат, транспорт хизмати йўлга қўйилган. Маошни вақтида оляпти.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги шароитни кўздан кечириб, ишчилар билан мулоқот қилди. Барча ҳаракатларимиз, Фармон ва қарорларимиз замирида халқимиз ҳаётини яхшилаш, фарзандларимизнинг эртанги кунига замин яратиш мақсади муҳим. Шу борадаги ўзгаришлар, сизларнинг ҳаётдан розилигингиз кишига мамнуният бағишлайди. Андижонга бу галги сафаримиздан мақсад ҳам одамларнинг ҳақиқий талабидан келиб чиқиб режа қилиш ва ижросини таъминлаш чораларини қўришдир, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз шаҳардаги “Хонобод” сўхатгоҳида амалга оширилган ишлар билан танишди.

Денгиз сатҳидан 850 метр баландликда жойлашган сўхатгоҳ кислород билан тўйинган, ион-

лаштирилган ҳавоси билан юқори ва қуйи нафас йўллари, асаб тизими, юрак-қон томир касалликларини даволашга ихтисослаштирилган. Бу ерда беморлар, асосан, юқори ҳароратли сув билан даволанди. Икклимий, парафин, электр-ёрулик, фитотерапия, функционал терапия, пархез билан даволаш ва санаторий-курорт услублари кенг қўлланилади. Минерал ванналар, физиотерапия, электрофарез, гальванизация, игна билан даволаш, стоматология, косметология, галотерапия (тузли шахта), сузиш ҳаваси, фитнес-зал, фитобар ҳам мавжуд.

Сўхатгоҳдаги замонавий клиник ва био-химиявий лаборатория, УТТ ва ЭКГ ускуналари беморларга аниқ ташхис қўйишда муҳим ўрин тутади.

Сўлим табиати билан машур Хонободда бир пайтлар қурила бошлаган сўхатгоҳ қаровиз ҳолда ётган эди. Шавкат Мирзиёев 2017 йил 2 июнда бу ерга келиб, уни ободонлаштириш, дам олиш учун зарур шароит яратиш бўйича топшириқлар берган эди.

180 ўринга мўлжалланган “Хонобод” сўхатгоҳини барпо этиш учун 90 миллиард сўмдан ортиқ маблаг сарфланди. Даволаш бинолари, стандарт, яримлюкс ва люкс хоналар, 6 апартаментда барча шароит яратилди.

Давлатимиз раҳбари санаторийдаги шароитни кўздан кечириб, Ушбу тоғли ҳудудда энгил конструкциялардан меҳмон уйлари ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Хизматлар нарҳини қамайтириб, қармовини кенгайтириш яна қўлаб одамларни иш билан таъминлашга хизмат қилишини қайд этди. Сўхатгоҳ ҳудудидаги ер майдонларини тадбиркорларга бериш орқали 3 миң киши дам оладиган масканлар ташкил этиш бўйича топшириқ берди.

Шу ерда Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришга доир лойиҳалар тақдироти ўтказилди. Хонобод шаҳрида 2017 — 2019 йилларда амалга оширилган ишлар, “Кампиравот” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Inipreks Alliance” масъулияти чекланган жамияти томонидан дам олиш масканлари барпо этиш, “Lu Yang Agroculture” хорижий корхонасининг ма-

ҳаллий мевали боғлар ва полиз экинлари, цитрус мевалар ва бодом боғларини ташкил этиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Марҳамат туманидаги Мингтепа археология мероси объектида туризмни ривожлантириш лойиҳаси амалга оширилиши тарихимизни, ўзлгимизни янада чуқур англашга хизмат қилади. Бу ерга мактаб ўқувчиларини зиёратга олиб келиш керак. Бугунги авлод маданий меросимизни яхши билиши, у билан фахрланиши зарур, деди Президентимиз.

Фаоллар билан мулоқотда Хонобод шаҳрини ҳар томонлама ривожлантириш, бандликни таъминлаш ва фаровонликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Экологик мусаффоликни таъминлаш, туризмни ривожлантириш, инвестициялар жалб этиш, инновацион ёндашув, тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш, иш ўринлари яратиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари “KhanTex Group” МЧЖ томонидан Қўрғонтепа туманидаги Учқун маҳалласида ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластери фаолияти билан танишди.

“KhanTex Group” ташкил этилганга икки йил бўлди. Корхона қарийб 9 миң гектар майдонда фермерлар билан пахта етиштириш бўйича ҳамкорлик қилади.

Шавкат Мирзиёев ўтган йил май ойида Андижон вилоятга ташрифи чоғида жамиятнинг тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишган эди. Бугунги кунга келиб, бу режа тўла амалга оширилди — улкан йиғирув чеҳи биноси қурилиб, Швейцариянинг “Ритер” компаниясидан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Худудда яшовчи 400 нафарга яқин аҳоли доимий иш жойига эга бўлди.

Бу — ҳали дастлабки ишлар. Кейинги босқичларда мато тўқиш, буяш, тайёр кийим-кечак ва сочиқ ишлаб чиқариш режалаштирилган. Лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 58 миллион евро бўлиб, корхона тўлиқ қувват билан иш бошлаётган, йилига 9 миң тоннадан зиёд калава ип, қарийб 6 миллион погон-метр газлама, 10 миллион дондан ортиқ тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, 1500 иш ўрни яратилади. Экспорт ҳажмини 40 миллион долларга етказиш мўлжалланган.

Шунингдек, кластер негизда 2 миң тонна истремол ёғи, 7,5 миң тонна шрот, 5,4 миң тонна шелуха ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий ёғ-экстракция заводи ва чорва комплекси ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари кластернинг йиғирув чеҳини кириб кўрди.

Шу пайтгача жойларда турли корхоналар ташкил этиш бўйича ишларди. Энди сифатга эътибор бериш, даромадни ошириш учун шароит яратиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Кластерга агротехника хизмати кўрсатиш мақсадида 19,7 миллион доллар эвазига АҚШнинг “John Deer” ва “Case” компанияларининг 13 турдаги 331 замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси келтирилган.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган кластер усулини қишлоқ хўжалигига кенг жорий этиш бўйича ташаббус Қўрғонтепа туманида тўлиқ амалга оширилмоқда. Яъни пахта иштирокидан тайёр маҳсулот олишгача бўлган тизим яратилган. Пахта етиштириш ишлари тўлиқ техника ёрдамида амалга оширилмоқда, ҳосилдорлик сезиларли даражада ошган. Худуд аҳолиси кластер ташкил этган замонавий корхоналарга ишга жалб қилинган.

Шу ерда Андижон вилоятида 2019-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳаси, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш, паррандачилик, балчиқчилик, асаларчилик, пиллачиликни ривожлантиришга қаратилган режалар, Ўзбекистоннинг Беларусдаги элчихонаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар муҳокима қилинди. Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали билан Гродно давлат университети ўртасида Ўзбекистон — Беларус қўшама факультетини очиб, вилоятда ирригация ва мелиорация тизимини яхшилаш каби қатор лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 15 май куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдуғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари бир-бирларини кириб келган муборак Рамазон ойи билан табриқлаб, ўзларининг эзгу ва самимий тилаklarини изҳор қилдилар.

Президентлар дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустақамланиб, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланаётганини қатта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон — Туркия

Ўз.А.

## Дунё нигоҳи «Modern Diplomacy» Ўзбекистон меҳнат бозори имкониятларини эътироф этди

Европанинг йирик ахборот-таҳлилий порталларидан бири — “Modern Diplomacy” нашри Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий тараққиёти ва юртимизда амалга ошириладиган ислохотларга бағишланган таҳлилий материални чоп этди.

modern diplomacy

“Янги сифатли иш ўринлари — Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш ва ривожланиш омил” деб номланган мақолада қайд этилишича, сўнгги йилларда республикада кенг қўламли ўзгаришлар кузатилиб, ушбу жараёнлар янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилаётди. Бу борада, айниқса, 2017 йил сентябрь ойида валюта соҳасининг либераллашуви ва 2019 йил бошида солиқ соҳасининг ислох қилиниши сармоявий иқлимнинг жиддий яхшиланишига олиб келди. Эришилган натижалар билан чекланиб қолмасдан, мамлакатда кичик ва ўрта бизнес учун молия ресурслари оқимини кенгайтириш, ички бозорда рақобатни таъминлаш, бир вақтлар белгиланган ва бугун ўз долзарблигини йўқотган чеклов ҳамда тақиқларни бекор

қилиш, инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш ва иқтисодиётда инсон капитали ҳиссасини юксалтириш бўйича тизимли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Европалик экспертнинг фикрича, бугунги кунда Ўзбекистонда улкан “имкониятлар дарчаси” кузатиляпти. Хусусан, Осийё тарафига банкнинг маълумотларига таянган ҳолда, келгуси йиллар мобайнида ҳар йили 500 миңга яқин ёшлар ишчи кучи сифига қўшилиб, уларнинг меҳнат бозорига муваффақиятли интеграциялашуви Ўзбекистонни дунёдаги энг тез ўсувчан ва диверсификациялашган иқтисодиётга эга мамлакатлардан бирига айланатириши мумкин.



## «НОВОЙ ХУДУДИНИ ЎЗИНГИЗ УЧУН КАШФ ҚИЛИНГ»

Новоий вилоятида АҚШ ва Канаданинг хорижий ишбилармон доиралари, халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари иштирокида “Новоий ҳудудини ўзингиз учун кашф қилинг — бизнесингиз учун янги горизонтлар жойи” мавзуида Ўзбекистон — Америка — Канада бизнес форуми бўлиб ўтмоқда.

## Форум

Халқаро анжуманда ишбилармон доира вакиллари, нуфузли компаниялар раҳбарлари билан музокаралар олиб борилмоқда. Жумладан, АҚШнинг Миссисипи штати губернатори Филипп Брайан бошчилигидаги савдо миссиясининг иштирокини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур делегация таркибига океанorti мамлакатининг қишлоқ хўжалиги, молия, муҳофаа санаяти, қурилиш соҳасида фаолият юритувчи компанияларнинг 20 га яқин мутахассис ходимлари ҳамда ушбу штатнинг Тараққиёт администрацияси раҳбарияти, Қишлоқ хўжалиги ва савдо департаменти, Инновациялар ассоциацияси, Миссисипи дарёси ҳавзалари минтақавий маъмурияти, Жексон шаҳри савдо-санаят палатаси, шунингдек,

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

## Таассурот

### ЯНГИЛАНГАН ҚИЁФА, ЎЗГАРГАН ТАСАВВУР ВА ЗАМОНГА МОС ХИЗМАТ

Давлатимиз раҳбари 10 май куни Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш чоғида “Тошкент” автовокзалда яратилган шароитларни ҳам кўздан кечириб, халқаро тажриба асосида автобус ҳайдовчилари малакасини юксалтириш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур топшириқлар берди. Ташриф чоғида, шунингдек, мамлакатимиз транспорт-логистика тизимини ривожлантириш, халқаро, шаҳарлараро автобус йўналишларини, автовокзал ва авто-станцияларни такомиллаштириш лойиҳалари тақдироти ҳам ўтказилди.



Дарҳақиқат, яқин-яқингача пойтахтимизнинг ўзига хос дарвозаси ҳисобланган “Тошкент” автовокзали назардан четда қолиб, бугунги кун талабига мувофиқ жавоб бермай қўйган эди. Энди эса манзара тамомилла бошқача. Автовокзал бугунлай ўзгача қиёфа касб этиб, замонавий масканга айланганини унинг ҳудудига киришдаёқ пайқайсиз.



## Хушхабар

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ «STANDART AND POOR'S»НИНГ ЮҚОРИ РЕЙТИНГ БАҲОСИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

“Standart and Poor’s” халқаро рейтинг агентлиги томонидан Тошкент вилоятига узоқ муддатли кредит салоҳиятини белгиловчи “BB-” рейтингини берилди, прогноз — “Барқарор”.

Бундай баҳони нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки Марказий Осийё минтақасида биринчи бўлиб пойтахт вилояти қўлга киритгани алоҳида эътиборга моликдир.

Кеча рейтинг тақдироти муносабати билан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар юртимизда инвестициявий муҳитни яхшилаш, хорижий инвесторларга қўшимча қулайликлар яратиб бериш ва уларни кўпроқ жалб этиш борасида амалий ишлар олиб бориладигани алоҳида таъкидланди. Айниқса,

2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном берилган, ушбу сазй-ҳаракатлар қўламини янада кенгайтиди. Бу белиз эмас, албатта. Чунки чет эллик инвесторлар сармоя киритиш ёки бизнес фаолиятини бошлашни режалаштирган давлатда, энг аввало, инвестициявий муҳит





## КОМИЛЖОН РАҲИМОВ

Алоқа соҳасидаги етук мутахассис, давлат арбоби Комилжон Раҳимов 2019 йил 16 май куни 73 ёшида вафот этди.

Комилжон Раҳимов 1969 йили Тошкент электротехника алоқа институти (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети)ни битириб, меҳнат фаолиятини 1971 йилда Хоразм вилояти алоқа бошқармасида катта муҳандис сифатида бошлади.

Ўз касбининг фидойиси, истеъдодли мутахассис, сергайрат инсон 32 йиллик меҳнат фаолияти давомида Хоразм вилояти алоқа бошқармаси бош муҳандиси, бошқик ўринбосари, бошқарма бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси алоқа вазири ўринбосари, алоқа вазири (1985 — 1995), Бош вазир ўринбосари (1995 — 1998) каби лавозимларда халқимиз ва Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилиб, мамлакатимизда почта ва алоқа соҳасини ривожлантиришга, замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган етук ва малакали мутахассислар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Комилжон Раҳимовнинг меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. 1996 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқачи” фахрий унвони билан мукофотланди.

Замондош ва ҳамфикр дўстлари, елкадош ҳамкасблари ҳамда шогирдлари номидан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлариға чуқур ҳамдардлик изҳор қиламиз.

Етук мутахассис, меҳрибон устоз ва самимий инсон Комилжон Раҳимов хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Бир гуруҳ дўстлари ва ҳамкасблари.

## «Modern Diplomacy» Ўзбекистон меҳнат бозори имкониятларини эътироф этди



Сифатли иш ўринлари яратиш учун, мутахассислар таъқидлаганидек, барча имконият ва ресурслар мавжуд. Жумладан, макроиқтисодий барқарорлик, ривожланган инфратузилма, инсон ресурслари, молиявий манбалар ҳамда кўшни давлатлар билан изчил, дўстона ҳамкорлик алоҳида ажратиб кўрсатилади. Ушбу устунликлар республикада Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар билан биргаликда мамлакатнинг асл салоҳиятини намойён этишга шароит яратди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши мамлакатнинг дунё бозорлариға чиқишини осонлаштириб, пировардида иқтисодий тараққиётни таъминлаш ҳамда бандлик даражасини ошириш имконини беради.

«Modern Diplomacy» таҳлилчилари таълим тизими миллий иқтисодиётнинг тез ўзгариб бораётган тузилмаси эканини ва меҳнат бозори талаблариға мослашиб бориши лозимлигини қайд

этади. Мазкур йўналишда давлат-хусусий шериклиги асосида амалга оширилаётган лойиҳаларға юсак баҳо берилади. Таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янгиллаш, соҳаға йўналтирилган сармоялар миқдорини кўпайтириш ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини доимий мониторинг қилиш муҳим аҳамиятға эгалиги қайд этилади. Бу борадаги давлат сиёсати, европалик мутахассисларнинг фикрича, таълим, тажриба ва инсон капитали тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес, тадиқотлар ва инновациялар билан интеграциялашувига йўналтирилиши лозим.

«Меҳнат бозори Ўзбекистон учун долзарб масала ва бир вақтинч ўзида энг катта имкониятирди, — дейди Осиё тараққиёт банки иқтисодчиси Киеси Таңигути «Modern Diplomacy» учун берган махсус интервьюсида. — Республикадаги ислохотлар иш ўринлари ташкил этиш ва иш қидирувчиларини меҳнат бозориға жалб қилиш учун шароит яратиши керак».

Анвор МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

### ЭЪЛОНЛАР

## ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТОРГАХ

**Дата: 17 мая 2019 года**  
**Заемное соглашение №: UZB-P14**  
**№ ПУТ: ABISR/ICB/06-2**  
**Идентификационный номер: ABISR/ICB/06-2**

- Республика Узбекистан получила заем от Японского агентства по международному сотрудничеству в счет стоимости проекта «Реабилитация Аму-Бухарской ирригационной системы». Намечается использовать часть средств займа для осуществления платежей по контракту модернизации и реабилитации насосной станции Аму-Бухара II.
- Конкурсные торги будут проводиться через процедуры в соответствии с руководством по закупкам займов Японской ОНР и открыты для всех заявителей из правомочных стран, определенных в заемном соглашении.
- Агентство по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения Республики Узбекистан приглашает подать предложения в запечатанных конвертах от правомочных участников на строительство и завершение насосной станции Аму-Бухара II («Сооружения»). Международные конкурсные торги будут проведены согласно процедуре JICA по проведению торгов в один этап — два конверта. Участие иностранных компаний с местными компаниями в консорциуме/СП приветствуется, хотя это не влияет на оценку предложений.
- Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить дополнительную информацию и ознакомиться с тендерными документами в офисе ГРП. Адрес электронной почты: abisr@uzaiifsa.uz, телефоны: 71-241-89-06, 71-241-73-13.
- Полный комплект тендерных документов может быть приобретен заинтересованными заявителями после подачи письменной заявки по вышеуказанному адресу и оплаты невозвещаемой суммы в размере 300 долларов США (триста долларов США) или в эквиваленте в свободно конвертируемой валюте.  
Получатель: Агентство по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения.  
Номер счета получателя платежа:  
для иностранной валюты (USD): 20210840605049362016;  
для местной валюты (сум): 20210000005049362020.  
SWIFT код: PAKHUZ22.  
Код банка: 00394.  
ИНН (только для местных участников торгов): 306265590.
- Предложения должны быть доставлены по вышеуказанному адресу до 15.00 (ташкентского времени) 1 июля 2019 года и должны сопровождаться залоговым обеспечением на общую сумму 1 150 000 (один миллион сто пятьдесят тысяч) долларов США.
- Предложения будут вскрыты в присутствии представителей участников торгов, желающих принять участие, в 15.00 (ташкентского времени) 1 июля 2019 года по адресу: Республика Узбекистан, 100128, г. Ташкент, ул. Лабзак, 1А (2-й этаж, малый конференц-зал).

**Агентство по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения Республики Узбекистан.**  
**Г-н Уткир Болтаев — исполняющий обязанности менеджера проекта.**  
**Адрес: Республика Узбекистан, 100128, г. Ташкент, ул. Лабзак, 1А (2-й этаж, малый конференц-зал).**  
**Телефоны: 71-241-73-13, 71-241-89-06. Факс 71-241-84-24. E-mail: abisr@uzaiifsa.uz**

# ЯНГИЛАНГАН ҚИЁФА, ЎЗГАРГАН ТАСАВВУР ВА ЗАМОНГА МОС ХИЗМАТ



Чунки вокзал атрофи ободонлаштирилган, автобуслардан ташқари, енгил транспорт воситалари учун автотураргоҳ барпо этилган. Кириш хавфсизлик нуқтаи назаридан «ақли» ускуналар билан жиҳозланган.

Президентимизнинг 2017 йил 10 январдаги «Аҳолиға транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичға кўтарувчи муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Бинобарин, мазкур қарор асосида пойтахтимиздан вилоятлар марказлари ва қўшни давлатларға транспорт қатновлари йўлга қўйилди. Автовокзаллар қайтадан иш бошлади. Вокзал бир вақтинч ўзида 2 мингдан зиёд йўловчиларға хизмат



кўрсатиш имкониятиға эга. VIP-зал, она ва бола, тибиёт хоналари, аёллар ва эркеклар учун алоҳида намозхона, меҳмонхона, ҳайдовчилар учун дам олиш хонаси, диспетчерлик хизмати, дўконлар, кафе-бар йўловчилар хизматида. Шароитлар яратилишида имконияти чекланган шахслар ҳам алоҳида инобатға олинган. Бу ерда маҳаллий йўналишлардан ташқари, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби давлатларға автобуслар қатнови йўлга қўйилган.



## Шароитлар поезд ёки самолётдагидан кам эмас

Дарвоқе, транспорт воситаларининг қўлайлиги хусусида. Бизға мутахассислар томонидан кўп айтилган жиҳат ҳам шу бўлди. Йўналишларға қўйилган хориж автобуслари йўловчиларға хар жиҳатдан манзур бўлмоқда. Техникалар йўналишға чиқишдан олдин тўлиқ техник, ҳайдовчилар эса тибиёт қўриқдан ўтказилади. Автобусларнинг санитар ҳолати доимий назорат қилиб борилади.

Ҳайдовчиларнинг ҳам энг тажрибалилари танлаб олинган. Тошкент — Жиззах йўналиши ҳайдовчиси Шўҳрат Дадақўзиёвни сафар олдидан суҳбатта тортишди.

— «Узавотранс сервис» корхонаси томонидан сўнгги русумдаги автобуслар тақдим этилган, — дейди у. — 51 кишиға мўлжалланган, ўриндиқлари жуда қўлай. Улар ҳам орқа томонға, ҳам ён томонға сурилади. Шунингдек, хар бир ўриндиқ махсус чўнтак, буюмлар қўйиш учун столча, мобил телефонларни қувватлантириш ускунасиға эга. Салон ҳароратини иссиқ ёки совуққа мўлжаллаб сошлаш мўмкин. Замонавий LED-телевизори, музлаткич билан жиҳозланган. Автобусда, ҳатто, ҳожатхона ҳам бор. Муболага бўлмаса, айтиш мўмкин, шароитлар поезд ёки самолётдагидан кам эмас. Йўловчилар чиқиб қўришсин, бунға ўзлари гувоҳ бўлишди.

Шўҳрат ака билан гаплашиб турган пайтимида, ёнимизда бир киши келиб, рейслар кўнинг қайси вақтларида бўлиши, нархлари ҳақида суриштира бошлади. Афтадан, хорижлик. Адамимиз. Темирэн Шашкин

Мутахассислар томонидан юкори баҳоланаётган, ҳайдовчио йўловчиларға бирдек манзур келаётган автобусға йўловчи сифатида чиқиб, унинг афзалликларини ўз кўзимиз билан қўришға қарор қилдик.

...Автобус бир текис, шовқинсиз бириктирилган. Демак, йўловчи учун ортиқча ноқўлайлик йўқ. Муҳими, хавфсиз ва ишончли.

Халқимизда «Йўл эмас, йўлдош танла» деган гап бор. Бу нафақат йўлдаги ҳамроҳға, балки биз фойдаланадиган транспорт воситасиға ҳам дахлдор, назаримизда. Ахир транспорт қанчалик қўлай, қўрсатилаётган хизмат нечоли сифатли бўлса, сиз ҳам ундан шунчалик кўп фойдаланишға ҳаракат қиласиз-да...

Кўп ўтмай Сирдарёға етиб келдик. Автобусдан тушиб, кейинги манзил — Янгиер шаҳриға йўл олдик. Тадбиркор Искандар Мирзаев иштироқида Янгиер хусусий автошоҳбekaти худуди ўнчалик катта эмас. 2002 йилда хусусий йўл шартлириб, 2018 йилда реконструкция қилинган ушбу шоҳбекатдан Ховос, Бобёут, Жиззах вилоятининг Янгиобод туманидаги бир неча қишлоқларға, умуман, 12 та йўналиш бўйича қатновлар амалға оширилди, соатиға 200 кишиға хизмат кўрсатилади. Тошкентта янги автобус чиптаси нархи атиги 12 минг сўм. Аммо бу ердаги шароитни пойтахтни билан солиштириш жуда қўйин. Ишонимизки, ўзгаришлар, янгиланишлар ушбу автовокзалға ҳам тез орада етиб келади. Ахир замонавий автобуснинг тўхташ жойи ҳам шунға мос бўлиши керак-да.

**Қандай афзалликларға эга?**

- АРЗОН НАРХ
- ҚУЛАЙЛИК
- ТЕЗЛИК
- ХАВФСИЗЛИК

\*Йўловчилар фикрлари асосида тайёрланди.

воситалари туризм имкониятлари кенгайтиришда айна мўддоа эканлигини айтиди. Қолаверса, унинг қизиқишиға яна бир сабаб, эрталаб турмуш ўртоғини енгил машинада Жиззахға жўнатган экан. Ўз навбатида, биз ҳам қайтишда, албатта, ушбу автобус хизматидадан фойдаланишни тавсия этдик.

харакатланмоқда. Ташқаридаги иссиқ деярли сезилмайди. Салқин салон, юмшоқ ва қўлай ўриндиқда телевизор ёки атрофини томоша қилиб кетаверасиз. Автобус хар қадамда эмас, фақат белгиланган жойлардагина тўхтади. Ортиқча юк олинмайди. Хар бир автобусға икки нафар ҳайдовчи

## «Тошкент» автовокзалидан Нижний Новгородға...

Йўлда ким билан суҳбатлашмайлик, барчаси худди шу фикрда. Мамлакатимизда одамларни кўп йиллар давомида қийнаб келаётган муаммоларни ҳал қилиш ва муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш борасида қилинаётган ишларға таҳсин айтишди. Шаҳарлараро автобус қатновлари тикланиши бунға бир мисол эканлигини таъқидлашди. Буни Зоминдан келаётган автобус йўловчларининг гап-сўзларидан, юз-кўзларидан, кайфиятидан ҳам англаш мўмкин.

**Моҳинур ХОЛМУРАТОВА,**  
Тошкент — Қоракўл йўналиши йўловчиси:  
— Узим навоийликман, ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрида ишлайман. Биласизми, бу ерда автобуслар қатнови бор ёки йўқлиги эсимиздан ҳам чиқиб кетаёзган эди. Кўни кеча унинг ишға туширилганини эшитиб келдим. Вокзалдаги шарт-шароитлар, илчи-хизматчиларнинг муомаласи мени ҳайратлантирди. Йўловчилар учун нима зарур бўлса, ҳаммаси шу ёрнинг ўзида жам. Хар бир йўналиш ҳақидаги маълумотлар ўз вақтида эълон қилиб турилибди. Йўл ҳақи жуда арзон. Масалан, аввал таксида вилоятға бориш учун ўртача 60 — 70 минг сўм, байрамлар арафасида эса 100 минг сўмға тўлашға мажбур бўлардик. Бу ердан эса автобусға чиптани бор-йўғи 35 минг сўмға харид қилдим. Бўларкан-ку!  
Автобустини шароитлари айтмайсизми?!

шу пайтғача туманимиздан пойтахтға автобус қатнови бўлмаган. Фақат таксида ёки бошқа йўловчи транспортларида бориладик.  
Энди тасаввур қилинг, ҳужжатно тажрибаси ноаниқ, фақат пул топиш илжинидаги киракашларнинг машинаси қайда-ю, ушбу автобусдаги шароитлар қайда? Бири-бириға бутунлай тесқари ҳолат. Таққослаб бўлмайди!

**Худойкул ЖўРБАЕВ,**  
Гулистон шаҳридаги Бўстон маҳалласидан:  
— Йўл, кўприк, ҳаммом, масжид қўрганлар савоб олиш баробарида, юсак қадр ҳам толади. Шу маънода, ушбу иш ташаббускорини қанчалик дуо қилсак, алқасак, шунча кам. Бу — бугун қабул қилинаётган қарорлар қозғалди қолиб кетмай, амалий натижасини бераётганидан далолат. Ишонимизки, бу бошланиши. Хали узоқ туман ва қишлоқларимизда транспорт инфратузилмаси янада ривожланади. Қаровсиз қолаётган автовокзалларға файз қиради.

Иш юзасидан йўлда кўп бўламан. Яқинда харакатни бошлаган ушбу автобусларни қўриб хавас қилганим. Қаранг, бугун унинг йўловчисиман. Чинозға — курсдошимизни кетаяпман. Шароитлардан дил яйрайди. Гуёки, йўл юриб дам оласан.

**Комилжон ИСАМУХАМЕДОВ,**  
«Тошкент» автовокзали бош директори ўринбосари:  
— Таҳлилларға қараганда, илгари республикамиздаги ҳамма йўналишларда 1200 та автобус қатновда бўлган экан. Охири пайларда

Айни пайтда «Тошкент» автовокзалида бир кунда 1500 — 1800 нафар йўловчиға хизмат кўрсатилаётган бўлса, яқин келажақда ушбу кўрсаткич 5 минг нафарға олиб чиқишини режалаштирилган. Йўловчиларни жалб қилиш мақсадида тарбиёт ишлари жадал олиб боришмоқда. Хусусан, веб-сайт ишға тушириляпти. Унда қатновлар жадалли билан онлайн танишиш ҳамда чиптаға буюртма бериш имконияти яратилади. Келгусида хар бир вилоятнинг камида учта туманиға мунтазам қатнов йўлга қўйилади. Ҳозирги кунда «Тошкент» автовокзалидан Россиянинг Нижни Новгород, Қозон, Қозоғистоннинг Нур-Султон, Чимкент, Туркистон, Қизил Ўрда, Олмаота, Ушқунур, Тароз, Еттисой, Қирғизистоннинг Бишкек, Тожикистоннинг Хўжанд шаҳарлариға автобуслар қатнамоқда. Демак, хали бундай замонавий транспорт воситалари янада олис манзилларға кириб бориб, одамлар узогини яқин, мушқулларни осон қўлаверадилар.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

## INVITATION FOR BIDS

**Date: May 17, 2019**  
**Loan Agreement No: UZB -P14**  
**IFB No: ABISR/ICB/06-2**  
**Reference Identification No: ABISR/ICB/06-2**

- The Republic of Uzbekistan has received a loan from Japan International Cooperation Agency (JICA) towards the cost of Amu-Bukhara Irrigation System Rehabilitation Project. It is intended that part of the proceeds of this loan will be applied to eligible payments under the Contract for Modernization and Rehabilitation of Amu-Bukhara-II Pump Station.
- Bidding will be conducted through procedures in accordance with the applicable Guidelines for Procurement under Japanese ODA Loans, and is open to all Bidders from eligible source countries, as defined in the Loan Agreement.
- The Agency for implementation of projects in the field of agroindustry and food security of the Republic of Uzbekistan now invites sealed Bids from eligible Bidders for the construction and completion of Amu-Bukhara-II Pump Station («the Facilities»). International Competitive Bidding will be conducted in accordance with JICA's single stage two envelope Bidding Procedure. The participation of foreign companies with local companies in the consortium/JV is encouraged, although this does not affect the evaluation of bids.
- Interested eligible Bidders may obtain further information from and inspect the Bidding Documents at the office of Project Implementation Unit, at the address: 1A Labzak Street, Tashkent, Republic of Uzbekistan, e-mail: abisr@uzaiifsa.uz, tel: 71-241-89-06, 71-241-73-13.
- A complete set of the Bidding Documents may be purchased by interested Bidders on the submission of a written application to the address above and upon payment of a non-refundable fee of USD 300 (three hundred US Dollars) or equivalent amount in freely convertible currency.  
Payee: The Agency for implementation of projects in the field of agroindustry and food security  
Payees Account No.:  
For foreign currency (USD): 20210840605049362016.  
For local currency (UZS): 20210000005049362020.  
SWIFT code: PAKHUZ22.  
Bank code: 00394.  
TIN (for local bidders only): 306265590.
- Bids must be delivered to the address below on or before 15:00 o'clock (Tashkent time) on July 1, 2019 and must be accompanied by a Bid Security with total amount 1 150 000 (One million, one hundred fifty thousand) USD.
- Bids will be opened in the presence of Bidders' representatives who choose to attend at 15.00 o'clock (Tashkent time) on July 1, 2019 at the address: 100128, Labzak Street 1A, Tashkent, Republic of Uzbekistan (2nd floor, Small Conference hall).

**The Agency for implementation of projects in the field of agroindustry and food security of the Republic of Uzbekistan.**  
**Mr. Utkir Boltayev — Acting Manager of PIU.**  
**Address: 100128, Labzak 1A, Tashkent, Republic of Uzbekistan (2nd floor, Small Conference hall).**  
**Tel: 71-241-73-13, 71-241-89-06, fax 71-241-84-24, E-mail: abisr@uzaiifsa.uz**

Ўзбек миллий рақс санъати нега бу ҳолга тушиб қолди? Нима учун рақсларни кўрадиган кенгаш йўқ? Назокат бўлмаса, либоснинг ўзи билан иш битмайди.

Ўтган йили "Ўзбекконцерт" давлат муассасасида "Устозларга эҳтиром" деб номланган ижодий кеча ташкил этилган эди. Бу тадбирда ўзбек миллий рақс санъатига тамал тошини қўйган Уста Олим Комилов, Муқаррама Турғунбоева, Тамара Хоним, Гавҳархоним

Раҳимова, Исахор Оқилов ва бошқа кўплаб ўзбек миллий рақс санъати даргаларининг табарруқ хотиралари ёдга олиниб, Ўзбекистон халқ артистлари Қундуз Мирқаримова, Гулнора Маваева, Клара Юсупова, Вилоят Оқиловага хурмат-эҳтиром кўрсатилди. Устоз санъаткорлар ижро этган

ва саҳналаштирган, маълум муддат саҳналаримиздан тушиб қолган ўзбек миллий мумтоз рақс асарлари ёш раққосалар ижросида қайта жонланди. Устозлар ҳақидаги видеоорликлари томошабинлар катта завқ билан томоша қилишди. Шу маҳал айрим ёш раққосаларимиз ўринларидан туриб, зални тарқ этиб кета бошлашса бўладими? Қайта жонланган миллий рақсларимиз тадбир баҳона бир кунгина саҳна юзини кўрди, холос. Холбуки, юксак маҳорат билан ижро этилган бу рақслар катта саҳналарда халқимизга намойиш этилиши жоиз эди.

Ўзбек миллий рақс санъатида бугунги кунда Муқаррама Турғунбоева, Исахор Оқилов тажрибаларидан фойдаланиш тобора йўқолиб бораётгани ачинарлидир. Очигини айтиш керак, ҳозир рақсларда ҳис-туйғу, қалб ифодаси, оҳанг ёки қўшиқ мазмунига ҳамоҳанглик эмас, турли бачкана хатти-ҳаракатлар, ўз-ўзини кўз-кўз қилиш кўпайиб бораётгани санъат ихлосмандларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Эҳ, бу борада санъат вакиллари қандай фикрда?

саҳнага беҳуда чиқмасди. Ўзбек қизларининг ҳаёси, ибоси раққосаларимизнинг нозик хатти-ҳаракатларида намойиш бўлиб турарди. Саҳнанинг учутидан бу четига қалб хароратисиз югуриб-елишининг фойдаси йўқ.

Раққосалар тўйларда ўзларини бугунгидек яқин уришмаган. Шаҳсан мен ўзининг ерга қариндошларимнинг тўйларида ҳам бирон марта рақсга тушмаганман. Саҳна мен учун ҳаммиша муқаддас бўлган. Раққоса дегани ҳам баландда туриши керак. Рақс сирли ва сехрли санъат бўлса, раққоса маънавияти юксак санъаткор ҳисобланади. Бугун мана шундай фазилатлардан анча йироқлашиб кетдик. Дағаллашиб, ҳистуйғулардан мосуволашиб бораётганимизни тан олшимиз керак.

1999 йилда мен мумтоз миллий рақс санъатимизни асраб қолиш, уни ёшларга, келгуси авлодларга етказиш учун "Ўзсан" деб номланган рақс дастасини тузгандим. Бу рақс дастасига ёш раққоса қизларни жамлаб, уларга ўзбек миллий рақсларимизни ўргатганман. Пойтахтимизда тақдироти ҳам ўтказганмиз. Афсуслар бўлсинки, бу хайрли иш баъзиларга ёқмай, дастамиз тарқалиб кетди. Умуман олганда, қайси соҳада фаолият юритмайлик, жойларда ўз касбининг мутахассислари ўтирмас экан, биз айни бир-биримизга ағдариб, муаммоларнинг ечимини тополмай юравемиз.

Рақс санъати йўлига кирган ёшларни истеъдодига қараб тўри танлаб олиш, уларга адабиёт, тарих, фалсафа, мусика санъати илмини чуқур ўргатмоқ давр талабидир. Шокир Аҳмедов, Нарзиддин Шерматов, Маъмура Эргашева, Вилоят Оқилова сингари моҳир, ўз касбининг фидойи жонқуяларининг кўп йиллик тажрибаларидан нунали фойдаланиш бу борада қўл келади. Хассос санъаткорларимиз томонидан турли йўналишларда яратилган рақслар ҳамон яшаб келмоқда. Ёш раққосалар уларни ўрганиб, саҳнага олиб чиқишлари миллий рақсимизнинг азалий ўзаниларига қайтишига хизмат қилади.

Матлуба МАҲКАМОВА.

Мушоҳада



КЎШИҚ БИР ЁН, РАҚС БИР ЁН...

мизни ривожлантириш, "Устоз — шогирд" аънанасини изчил давом эттириш, устозлар қолдирган бой маданий мерос негизда ёшларни тарбиялаш ва халқимизга миллий рақс санъатининг ноёб дурдона асарларини тақдим этиш каби муҳим масалаларга алоҳида ургу берилди.

Наргиза ОЛИМОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси, миллий рақс ва хореографияни ривожлантириш бўлими бош мутахассиси:

— Миллий маданиятимизни, уфодатларимизни, қадриятларимизни ўзида мужассамлаган рақс санъати шунчаки томоша эмас. У ички ҳис-туйғуларни ифодалаши билан қалбларини ром этади. Узига хос бой бу маданий меросимизни келгуси авлодларга ас-

раб-авайлаб етказиш бурчимиз ҳисобланади. Кейинги пайтларда рақсларимизда миллий руҳ йўқолиб қолгани рост.

Рақсларни профессионал раққосалар, мутахассислар кўригидан ўтказиб, сўнгра катта саҳналарга олиб чиқиш керак. Айниқса, давлат тадбирларида ижро этилаётган рақсларимизга жиддий ва масъулият билан ёндашмоқ зарур. Бугун намойиш этилаётган рақслар бадиий кенгашдан ўтмаётти. Чунки кенгашининг ўзи йўқ. Яқин йиллар орасида биронта профессионал ва бадиий юксак даражадаги саҳна асарини учратганим йўқ. Катта саҳналарда намойиш этилаётган устозлар бисотидаги айрим рақслар ҳам узуқ-юлуқ қилиб олиб чиқилди. Бугунги кунда рақс санъати бўйича етуқ мутахассислар етишмайди, боридан ҳам оқилона фойдалана олмаймиз. Айрим ёш раққоса-

ларнинг ҳаёли эса тўй-томошаларда, пул топиш илинжида. Тўғри, бир қараганда, миллий либосларимизга қайтдик. Аммо нафосат, назокат бўлмаса, либоснинг ўзи билан иш битмайди. Миллий либосда халқимиз руҳиятига сингмайдиغان хатти-ҳаракатлар ножиоз кўринади.

Ҳақиқатан ҳам, хусусий рақс дасталари нияҳтада кўпайиб, бугунги кунда рақсларда профессионализм етишмаслиги яққол намойиш бўлмоқда. Узига хос йўналишга эга бўлган "Лазги" рақс дастасини истисно этганда, "Наврўз", "Ўзбекистон", "Тумор", "Навбахор" давлат рақс дасталари бир-биридан фарқ қилмайди, уларнинг номи ҳар хил бўлганда, йўналиши ҳам ижод маҳсули афсуски, бир хил. Устоз ва шогирд ўртасида маълум бир муддат узилши бўлгани боисми, буларнинг фаолиятида ҳам чин маънодаги профессионал-

лик сезилмапти. Эндиликда Фарғона — Тошкент, Бухоро — Самарқанд, Хоразм, Қорақалпоқ рақс йўналишлари бўйича Муқаррама Турғунбоева, Исахор Оқилов, Робия Отажонова, Елизавета Петросова мактаблари ҳамда халқ оғзани ижоди намуналарини кўрсата оладиган Сурхондарё ва Қашқадарё фольклор йўналишларидаги рақс мактаблари очил режада турибди. "Устоз — шогирд" аънанасини давом эттирган ҳолда, келгуси авлодларга бой маданий меросимизни асраб-авайлаб етказиш, шояд, насиб бўлса.

Қизлардон ДЎСТМУХАММЕДОВА, Ўзбекистон халқ артисти:

— "Интизор", "Муножот", "Тоғ қизи" сингари рақсларимизда назокат кучли, бадиий образ, қаҳрамон бунд эди. Бу қаҳрамоннинг ҳар бир ҳаракатида айтмоқчи бўлган фикри кўриниб турар, у

КАСАЛЛИКЛАР ЎЗ-ЎЗИДАН ПАЙДО БЎЛМАЙДИ

Маълумотларга қараганда, сўнгги йигирма йил давомида аллергия касалликлари кўпайиб, улардан азият чекаётган инсонлар сони ҳам кескин ортган. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу хасталикка қарши курашиш билангина муаммага ечим топиб бўлмайди, балки экологини барқарорлаштириш орқали вазиятни ўнглаш мумкин. Бинобарин, табиат билан боғлиқ кўпгина масалалар айнан антропоген, яъни инсон омили таъсирида юзага келмоқда.

вожланганини кечиктиради. Баъзан йирик шаҳарларда ифлос ҳавонинг бир неча кун туриб қолиши туфайли "смог", яъни зарарли ҳар хил чанг ва газлардан иборат бўлган туман вужудга келади. Натижада организм заиф бўлган кишилар, болалар, қариялар, беморлар бунга бардош бера олмайдилар. Қисқаси, айни пайтда ин-

касини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Экологик партия ташкил этилиши ва унинг олдида бир қатор долзарб вазифалар қўйилгани шундай савий-ҳаракатлар самарасидир. Қолаверса, табиати муҳофиза қилишининг ҳуқуқий асослари Конституцияимизнинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, атроф-муҳитга муносабат ва бошқарув тизими фаолияти қатъий белгилаб қўйилган.

Кайд этганимиздек, табиатдаги ўзгаришлар, экологик муаммолар пайдо бўлишида инсон омили асосий урин таътаган экан, вазиятни юмшатиш ўзимизга боғлиқлигини ёддан чиқармайлик.

Ирода РЎЗИЕВА, Экология ва атроф-муҳитни муҳофиза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридagi Атроф-муҳит ва табиати муҳофиза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходими.

Табиат ва биз

Бугунги кунда иқлим ўзгариши, ўрмонлар кесилиши, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг камайиб кетиши ёки бошқа экологик муаммолар глобал аҳамиятга эга.

Сўнгги 50 йил ичида Ер юзи аҳолиси деярли уч, транспорт воситалари сони 10, электр станциялари қуввати 21, нефть маҳсулотларидан фойдаланиш 7, тошкўмир ишлаштириш 3,6, газ ёқилиши 15 мартаба ортди. Ёҳоч истеъмоли эса 14, қоғозга бўлган талаб 5 баравар кўпайди. Экологик аҳволнинг ёмонлашуви, сувдаги минераллашувнинг ортиши натижадада қишлоқ аҳолисининг 87 фоизи ҳар хил касалликларга чалинганни аниқланган. Ошқозон раки, туберкулёз, қорин тифи, камқонлик, пешоб йўллари ва жигар тоши, қон босими ва бошқалар шулар жумласидандир.

Атроф-муҳит муҳофизасига пуртур етса, табиатнинг бир бўлага санолган инсонларда турли касалликлар кўпая бошлайди. Масалан, атмосферада углерод оксиди ортиб кетса, киши организмда гемоглобин сусаяди, юрак-қон томир тизимларида бузилишлар содир бўлади, атеросклероз ривожланади. Водород сульфид газининг ҳоддон тошқори кўпайиши натижадада эса одамнинг боши оғриб, дармонсизланади.

Хид билиш қобилияти заифлашади. Чанг заррачалари киши терисини, хусусан, шиллиқ пардаларини зарарлайди, кўз касаллигига чалинишини тезлаштиради. Таркибида мишяқ (маргикуби), симоб, кўрғошин, асбест ва бошқа моддалар бўлган чанг асабини фалаж қилади. Бош мия аяллиғанишига сабаб бўлади, жигар ва буйракни заифлаштиради, болаларнинг жисмоний ри-

соният томонидан чиқарилган чиқиндилар исзис йўқолаётган эмас. Уларнинг бир қисми атмосферда, қолганлари тоғу тошларда, сувларда намойиш бўлмоқда. Шу босис геологик муаммолар моҳиятини билиш, уларни бартароф қилиш йўллариини излаш ва зудлик билан амалиётга татбиқ қилиш умумбашариат олдида турган бош масалага айлантипти. Эътиборлиси, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республи-

ИИВ хабарлари

Яқинда мамлакатимизнинг тегишли вазирликлари ва идоралари мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлди.

«Хавфсиз шаҳар» тизими ўрганилди

Ишчи гуруҳ аъзоларига "Ақли полиция участкаси" тизимининг содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни олдиндан аниқлаш, сунъий интеллект ёрдамида кибержаноиячиликка қарши курашиш имкониятлари, полиция томонидан онлайн режимда ёрдам кўрсатиш учун мобил иловалар, "Уйиун" тизимининг бошқарув маркази, "SmartPoliceStation" фаолияти ва мобил иловаларнинг функциялари намойиш этилди.

— Дубай полициясининг "Ақли полиция участкаси" бизда катта таассурот қолдирди, — дейди ИИВ Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи, полковники Фаизулла Қосимов. — Шаҳар полициясининг аҳоли ва сайёҳларга қўмақлаштириш учун мўлжалланган мобил иловалари 125 турдаги давлат хизматини ўз ичига оларкан.

Дубай полициясининг офицерлар клубида Тошкент шаҳрида "Ақли полиция участкаси" тизимини ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди. Шунингдек, "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасини амалга ошириш доира-сида икки томоннинг бундан кейинги ҳамкорлиги бўйича "Йул харитаси" тақдироти ўтказилди.

Йўл-патруль хизмати инспекторлари беллашуви

Бухоро вилоятида ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларининг ходимлари иштирок этмоқда. Ходимлар йўл ҳаракати қоидаларидан имтиҳон, меъёрий ҳужжатлар бўйича

Саҳнада — «Кеча ва бугун»

Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида тизим ходимлари томонидан тайёрланган "Кеча ва бугун" спектакли намойиш этилди.

Бугунги дориланган кунлар — юртимиз фаровонлиги, дастурхонимиз фаёзу баракаси кечаги кунлар машқакати ва меҳнати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг мева-сидир. Ота-боболаримизнинг матонати, жасоратини унутмаслик,

Дилмурод СОДИҚОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

QISHLOQQURILISHBANK advertisement with various services and contact information.

Footer section with contact information for 'Халқ сўзи' newspaper, including phone numbers, addresses, and subscription details.